



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 26-may. Seshanba 61 (31.964)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

2015 йил 25 май. Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида «Хайр, мактаб — салом, коллеж!» тадбирлари «Замонавий билимлар билан замонавий касб-хунарга эга бўламиз» шиори остида ўтказилди.

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати маълумотига кўра, 2014-2015 ўқув йилида мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг 9-синфини 483 мингдан зиёд ўқувчи тамомлади. Улардан 42 минг нафари ўқишни академик лицейда, 441 минг нафари эса касб-хунардан коллежидан давом эттиради.

Мактаб даврини эслаганда ҳар биримизнинг қалбимизда эзгу туйғулар жўш уради. Ушбу даргоҳга илк қадам, биринчи ўқувчимиз, синфдошлар билан учрашув, ҳарф танишни ўрганиб олган пайтимиздаги қувонч... Ҳар қандай инсон буларни эслаганда бир лаҳза бўлсин, мактаб даврига қайтгиси келади. Бир умр ўқиган мактабимиз ёнидан ўтганда юрагимиз энтикади.

Мактабни битирар чоғи кўз ёшлар яширилмайди. Ахир, шунча йил таълим ва тарбия олган, ўз уйддек бўлиб қолган даргоҳни тарк этиш осонми?

Бугун мактабни тугаллаб, касб-хунардан коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттириш истагида турган ёшлар кўнглидан мана шу туйғулар ўтаётган бўлса не ажаб.

Мактаб битирувчиларини касб-хунардан коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ҳисобланади, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова**. — Бунда, асосан, мактаб-маҳалла-ота-она ҳамкорлиги йўлга қўйилиши керак. Фарзандларимизга касб танлашда, илм олишда бизнинг маслаҳат ва эътиборимиз жуда зарур, деб ўйлайман. Бугун Юнусобод туманидаги 97-умумтаълим мактабига бордим. Бити-

рувчилар билан суҳбатлашдим. Улар аллақачон қайси касбни танлашни ҳал қилиб бўлган. Биз уларнинг келгуси ишларида омад тилаймиз.

— Бу йил мактабимизни 207 нафар ўғил-қиз битирмоқда, — дейди **Юнусобод туманидаги 235-умумтаълим мактаби директори Мўмина Сулаймонова**. — Уларнинг 57 нафари академик лицейда, 150 нафари эса касб-хунардан коллежидан давом эттиради.

— Бизга 5-синфдан информатика дarsi ўтила бошлади, — дейди **мазкур мактаб битирувчиси Мирзоуллубек Камолиддинов**. — Ўша пайтда ҳақ бу фанни чуқур ўрганишга киришдим. Ўқитувчим Гулнора Юсупова мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Натижада шаҳар олимпиадасида 3-ўринни олдим. Эндilikда ўқишни информатика касб-хунардан коллежидан давом эттираман...

— Мактабимизда бокс тўғрисида бор, — дейди **ушбу мактабнинг**

яна бир битирувчиси Лазиз Жуманиёзов. — Мураббийимиз Мурод Расулов бизга ушбу спорт турининг сир-асрорларини ўргатди. Шу пайтдача ўнча мусобақада қатнашдим. Шаҳар чемпионатида 2-ўринни эгалладим. Гарчи спорт бўйича яхши натижаларга эришайтган бўлсам ҳам, шифокор бўлиш истагим юқори. Шу сабабли ҳужжатимни тиббиёт коллежига топшираман.

Темур АЪЗАМ

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ депутатлар шу кунларда ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Сайловчи кўтарган ҳар бир масала,

албатта, эътиборга олинади

Парламент кўйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари учрашувларга чиқишдан аввал сайлов округларидаги фаолият бўйича тегишли ҳаракат дастурини белгиллаб олди. Дастурга мувофиқ ҳар бир учрашув ва унинг натижалари кейинчалик умумлаштириш учун қайд қилиб борилади. Сайловчилар кўтарган масалалар жиддий эътиборга олинади ҳамда уларни ҳал қилиш чоралари кўрилади.

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда янги қонунлар тарғиботи, амалдаги қонунлар ижросини ўрганиш масалаларига эътибор қаратилади.

— Учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти аҳолига кенг тушултиришмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси Комила Каромова**. — Қизгин суҳбатлар давомида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сайловчилар кўплаб саволлар билан мурожаат этишмоқда. Уларнинг ҳар бирига батафсил жавоб қайтаришга ҳаракат қилинади. Шунингдек, жойларда қонунлар ижроси билан боғлиқ фикр-

мулоҳазаларни ҳам тинглаймиз.

— Илгари сайловчилар депутатларга аксарият ҳолларда фақат ижтимоий-маиший, баъзан шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилиш билан чекланар эди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Хайрулла Рўзметов**. — Аммо ҳозир ундай эмас. Эндilikда сайловчилар депутатларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳофама қилинаётган қонунлар лойиҳалари тўғрисида, депутат аъзо бўлган қўмита ва фракция фаолияти билан қизиқмоқда. Шунингдек, таълим, банк-молия, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт, қурилиш, алоқа масалаларида саволлар берилляпти, таклифлар билдириляпти.

ЎзХДП фракцияси аъзолари сайлов округларидаги учрашувларни белгиланган режага асосан ўтказди. Ўзингизни қизиқтирган саволлар билан депутатларга мурожаат қилишингиз ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларингизни айтишингиз мумкин.

Лазиза ШЕРОВА

Партия ўзининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари орқали аҳолининг заиф қатламларига малакали тиббиёт-санитария ёрдами кўрсатилиши билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳаракат қилади.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.



ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан

Автотранспорт хизмати: ҳақли талаб, ўринли эътирозлар

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ўрганди

■ Тасаввур қилинг, бирор жойга шошилиб, зарур иш билан кетяпсиз. Бекатга чиқдингиз. Кутилган автобус дарҳол кела қолмади.

Ана шунда енгил автотранспорт воситаси жонингизга оро киради. Узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилаётган автоуловларнинг кун сайин кўпайиб бораётгани ҳайдовчидан янада ҳуш-

ёрлик, эътибор ва сергакликни талаб этади. Ақс ҳолда, автобуслар ҳам, енгил машиналар ҳам турли тартибсизликларга сабаб бўлиши, бунинг оқибатида йўловчилар соғлиги ва ҳаёти хавф ос-

тида қолиш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади. Бугун айрим ҳудудларда кузатилаётган тирбандликлар ва уларнинг оқибатларига жавобгар ким? Йўловчи ва ҳайдовчиларнинг йўл қоидалари билан боғлиқ билими, маданияти қай даражада шаклланган? Халқ депутатлари

Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ҳамда вилоят Кенгаши **Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия**нинг йиғилишида шу масалалар кўриб чиқилди.

2 ➤

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Янги меъёр ва талаблар

мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 23 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўйбга чиқаришни таъминлайдиган қонун-ости ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эгадиган, ана шу масалаларнинг барчаси Олий Мажлис палаталарининг доимий диққат-эътиборида бўлиши даркорлиги алоҳида таъкидланган эди. 2 ➤

НАВОЙИНИ ЖАҲОН ЎҚИДИ

«Лайли ва Мажнун»

поляк тилида

Польшалик таниқли таржимон Януш Крзизовский номи бугун юртимизда маълуми машҳур. У Алишер Навоий бобо-мизнинг ғазал ва рубойларини поляк тилига

ўтириб, китоб ҳолида чоп эттирган. Заҳматкаш олим бу борадаги ишларини давом эттириб, 2013 йилда «Лисон ут-тайр» асарини таржима қилди. Яқинда Польшадан яна бир хушхабар олди. Ўзбек адабиётининг тарғиботчиси, жонқуяри Януш Крзизовский Алишер Навоий ҳазратларининг яна бир асари — «Лайли ва Мажнун» дostonини ҳам поляк тилига таржима қилиб, китоб ҳолида чоп эттирибди.

Таржимон Януш КРЗИЗОВСКИЙ билан муҳбиримиз Темур Аъзам суҳбатини газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.

ХУШҲАБАР

Шарофиддин совриндорлар сафиди

■ Марокашнинг Работ шаҳрида дзюдо бўйича «Мастерс» туркумидаги йирик халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 1 — 5-ўринларни эгаллаган спортчиларга келаси йили бўладиган Рио-де-Жанейро олимпиадаси йўлланмалари учун муҳим рейтинг очколари ҳам берилар эди. Бу эса ҳар бир учрашув шиддатли кечинини таъминлаб берди.



Дунёнинг эликдан зиёд давлати вакиллари иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Шарофиддин Лутфуллаев (60 кг), Дирбек Ўрозбоев (60 кг), Ришод Собиров (66 кг) ва Рамзиддин Саидов (100 кг)лар гиламга чиқди.

Шиддатли ва мурасиз кечган беллашуларда полвонларимиздан Шарофиддин Лутфуллаев бронза медалига сазовор бўлди. Совринли ўрин учун бўлган беллашувда у ўз жамоадoshi Дирбек Ўрозбоевни маглубиятга учратди.

Эркин ХОЛБОБОВ

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Биз тинчликни севадиган, ардоқлайдиган халқимиз



■ «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди.

■ ДАВРА СУХБАТИ

■ Давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадр-лаш қуни муносабати билан Хотира май-дониди ОАВ вакиллари билан қилган суҳбатини атрафчи ўрганиш, жойларда унинг мазмун-моҳиятини кенг тушуни-тириш мақсадида Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан Термиз шаҳрида «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида давра суҳбати ташкил этилди.

«ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ»



Унда сўз олганлар бугунги кунда мамлакатимизда фахрийларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиш берилганлиги, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, жанг майдонларида жон берган, урушдан қайтмаганларни эслаш, бутун ораимизда соғ-саломат ҳаёт кечириётган кексаларимизга ғамхўрлик кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги айтиб ўтилди. Тадбирда ёшларнинг кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат кўрсатиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳзода ЗОКИРОВА

ҲИСОБОТ ВА РЕЖА

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фонднинг 2014 йилги фаолияти муҳокама этилди ва истиқболга мўлжалланган вазифалари белгилаб олинди.

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Янги меъёр ва талаблар

мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

Бугун ҳаётнинг ўзи илгари сураётган талаблардан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, депутатлар, сенаторлар зиммасида жуда катта ва масъулиятли вазифалар турганини англаш қийин эмас. Демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичи ҳар биримиздан қонун ижодкорлиги, парламент назорати, сайловчилар билан ишлаш йўналишларини, умуман, ўз фаолиятимизни қайта кўриб чиқишни, бурчимизга муносабатимизни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда.

Биз, сенаторлар қанча талабчанлик кўрсатсак, қонунлар шунча яхшилик ва ҳаётий бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида муҳокама этилаётган барча ҳужжатлар юзасидан принципиал фикрларни билдириш ва аниқ позицияда туриб, уни ҳимоя қилиш кундан-кунга аҳамиятини масала бўлиб бормоқда. Бу яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган қонунлар муҳока-масида ҳам ўз исботини топди.

Олий Мажлис Сенатида мамлакатимизда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, ак-бўрот хавфсизлигини таъминлашга доир муҳим қонунлар кўриб чиқилди. Навбатдаги вазифа ушбу қонунлар аҳамиятини жамоатчиликка етказиш бўйича тарғибот ишларини кучайтиришдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган қонунлар муҳофизига бағишланган учрашу-влар ўтказилмоқда. Масалан, Хўжайли тумани 39-округ сайловчилари билан

учрашувда мажлисда кўриб чиқилган қонунлар мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ва эркинлаштириш, давлат ҳокимияти бошқаруви-ни янада демократлаштириш-да муҳим аҳамият касб эти-ши сайловчилар томонидан алоҳида қайд этилди. Аҳа-ми-ятли жиҳати, бу қонунлар одамларимиз, бутун халқимиз томонидан қўллаб-қувватлан-моқда. Бу бежиз эмас, албат-та. Чунки Олий Мажлис Се-нати йиғилишида кўриб чи-қиб, қабул қилинган ҳар бир қонун ўзининг чуқур ҳаётий асосларига эгадир. Улар маз-мун-моҳиятига кўра мамла-катимиз тараққиётини янада юксалти-риш, халқимиз турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Бир мисол. Мажлисида сенаторлар «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқиш-ди. Унда ташувчининг фуқаролик жа-вобгарлигини мажбурий суғурта қилиш орқали юртимизда барча тур-даги транспортда ташиш вақтида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар ўрни-нинг қаноатли равишда қопланили-ши белгиланган. Қонуннинг қабул қилиниши билан нафақат суғурта бо-зори ва транспорт инфратузилмаси ривожланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилина-ди, шу билан бирга жойларда янги иш ўринлари яратиш имконияти ор-тади.

Яна бир муҳим масала. Ялпи мажлисида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, хусусан,



ижро ҳокимияти органлари, ҳоким-ларнинг вакиллик органлари олди-даги масъулиятини кучайтиришни назарда тутувчи ҳуқуқий базани та-комиллаштиришга ҳам эътибор қара-тилди. Масалан, сенаторлар «Маҳал-лий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга киритилаётган қўшимчалар-га алоҳида эътибор қаратишди. Бу ўзгаришларга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг минтақани ижти-моий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи халқ депутатла-ри Кенгаши томонидан ҳар йили эшитиб борилиши белгилаб қўйил-моқда. Ушбу қоида Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясининг 103-моддасига ҳар томонлама мос ва му-вофиқ келади.

Мазкур тартиб-қоида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаоли-ятининг очиклигини таъминлашга, аҳоли манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ муҳим масалаларга ойдинлик киритишга, соҳа ва тармоқлар риво-жини таҳлил қилиш орқали ҳаётий так-

лифлар ишлаб чиқишга асос бўлади, деб ўйлайман. Бу ЎзХДП дастурий мақсадларига ҳар томонлама мос ке-лади.

Сир эмаски, фуқароларнинг сиё-сий онги, фуқаролик позицияси улар мамлакатда қабул қилинаётган қонун-лардан қай даражада хабардорлиги, энг муҳими, амалдаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиши билан ўлчанadi. Бусиз мамлакатда демо-кратияни қарор топтириб бўлмайди.

Демак, учрашувларда, давра суҳ-батларида парламент томонидан му-ҳокама этилаётган, қабул қилинаёт-ган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг тушунириш ишларини олиб боришимиз зарур. Бу ўринда биз, депутатлар, сенаторлар асосий масъулиятни зиммамизга олишимиз талаб этилади.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгесидagi ЎзХДП
фракцияси аъзоси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

! ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ: ҳақли талаб, ўринли эътирозлар

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ўрганди

Депутатлар даст-лаб Вазирлар Мах-камасининг «Ўзе-бикстон Республикасида автомобил транспортда йўловчилар ва багаж та-шиш қондаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаб-ларни тасдиқлаш ҳақида»-ги ҳамда «Йўналишсиз так-силар фаолиятини тартиб-га солиш чора-тадбирла-ри тўғрисида»ги қарорлари ижросини таҳлил этишди. Аҳолига сифатли автотран-спорт хизмати кўрсатишнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш, автотранспорт воси-талари ва пиёдалар ҳарака-ти хавфсизлигини таъмин-лаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон авто-мобил ва дарё транс-порти агентлиги Хоразм ви-лоят ҳудудий бўлими мута-садилари, халқ депутатла-ри Хоразм вилоят Кенгаши-нинг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйи-ча доимий комиссияси аъзо-лари ҳамда аҳолига транс-порт хизмати кўрсатиш ли-цензиясига эга юридик шахслар раҳбарлари катнаш-ди.

Унда Ўзбекистон авто-мобил ва дарё транс-порти агентлиги Хоразм ви-лоят ҳудудий бўлими бош-лиғи Алланазар Сабуров-нинг ахбороти тингланди. Унинг таъкидлашича, вило-



ятда соҳага оид қарорлар ижросини таъминлаш бўйи-ча қатор чора-тадбирлар кўрилган. Жумладан, вилоят давлат солиқ бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари бил-лан ҳамкорликда 2014 йил давомида 200 га яқин қўшма рейд ўтказилиб, 1911 қонун-бузарлик ҳолати аниқланган. Йўл ҳаракати қоидалари, ли-цензия талаб ва шартлари бузилиши бўйича 1058 ҳолат қайд этилиб, юридик шахс-ларга берилган 18 лицензия ва 251 лицензия қарточка-лари қонунга мувофиқ вақ-тинча тўхтади қўйилган. Бу борадаги ўзаро ҳамкорлик жорий йилда ҳам давом эт-тирилмоқда.

Эндики вазифа аҳолига сифатли автотранспорт хиз-мати кўрсатиш, қонун ва қарорларга қатъий риоя қилиш устидан тегишли на-зорат ўрнатилган иборат. Чунки белгиланган талаб ва

мезонларни бажариш орқа-ли нафақат йўловчиларнинг, балки ҳайдовчиларнинг ҳам хавфсизлиги таъминланади. Депутатлар қайд этишди-ки, йўл вилоятда аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати сифатини яхшилаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қи-лиш, йўл ҳаракат хавфсиз-лигини таъминлаш масала-ларига жиддий эътибор қаратиляпти. Бирок жойлар-да кўнгилни хира қиладиган камчиликлар ҳам кўзга та-шланмоқда. Масалан, айрим ҳайдовчилар белгиланган йўл қоида-сига, тезлик меъ-ёрларига амал қилмай жа-моат транспортини бош-қаради. Йўловчиларнинг ил-тимосига кўра таққиланган жойларда автобусларнинг тўхташи эса бошқа автотран-спорт воситаларининг ҳара-катини қийинлаштириб, тур-ли кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга, ай-рим автоюшмаларда автомобилларни техник кўриқдан ўтказишга мўлжалланган шароит-лар етарли даражада эмаслиги, соҳада мута-хассислар етишмасли-ги, ҳайдовчилар эрта-лабки тиббий кўриқдан ўтказилмаётгани мисол-лар билан айтиб ўтил-ди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Нодира Одамбоева Вазирлар Маҳкамаси-нинг «Йўналишсиз так-силар фаолиятини тар-тибга солиш чора-тадбирла-ри тўғрисида»ги қарори тўлиқ ижро этилиши керак-лигини таъкидлади. Қарор-га кўра, таксиларда давлат солиқ хизмати органларида расмийлаштирилган назорат касса аппарати ва тўловлар-ни банк пластик қарточка-лари орқали қабул қилиш имкониятини берадиган тер-минал бўлиши керак. Бирок назорат-таҳлил давомида банк пластик қарточкалари ор-қали тўловни амалга оши-риш учун таксиларга терми-наллар ўрнатилмагани, нақд пул билан ҳисоб-китоб қил-ган йўловчиларга қитанция берилмаётгани маълум бўлган.

Депутатнинг қайд этиш-ча, 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, вилоятда аҳолига автотранспорт хиз-мати кўрсатувчи 181 йўна-лиш мавжуд. Шаҳарлар ва вилоятлараро йўналишларда 350 дан ортиқ микроавтобус

аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда. Бундан ташка-ри, 143 юридик шахсга те-гишли 2300 дан ортиқ йўна-лишсиз таксилар ҳам одам-лар оғирини енгил, узогини яқин қилмоқда.

Йиғилишда халқ депу-татлари вилоят Кенгаши-даги ЎзХДП гуруҳи аъзо-си Гулнора Аҳмедова ви-лоят марказий «Деҳқон бо-зори» ҳамда Урганч тумани йўналишида жойлашган «Буюм бозори» атрофида доимий равишда юзага ке-лаётган тирбандлик ва унинг сабабларига тўхталиб ўтди.

— Ўрганишлар жараёни-да яна шу нарса аниқланди-ки, Ал Хоразмий шох кўча-сида қад ростлаган янги ту-рар-жой бинолари, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шо-ҳобчалари яқинида автотран-спорт воситаларини вақтин-ча сақлаш жойлари ташкил этилмагани аҳолига ноқулай-лик туғдирмоқда, — деди у. — Мутасадди раҳбарлар бу масалага ҳам алоҳида эъти-бор қаратиши керак. Умуман, қонунчиликка қатъий риоя қилиш, қоидабузарларга му-қаррар жарима жазосини қўллаш ва автомобиллар ту-рар жойларини кўпайтириш одамларни ўйлантириб, қий-наб келаятган муаммолар ечимида муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда автотранс-порт соҳасида хизмат қила-ётган шахсларнинг масъули-ятини ошириш, йўловчилар-га нисбатан муомала мада-ниятини ошириш масала-рига ҳам атрафчи тўхта-либ ўтилди. Мавжуд муам-молар ва уларни бартараф этиш юзасидан қўллаб-қув-ватлаш, тақлифлар билдирилди. Йиғилиш якуни-да аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш масаласи-ни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

■ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИ
ЕТАКЧИЛАРИ
МИНБАРИ

Маълумки, бошланғич ташкилот партиянинг асоси, пойдевори ҳисобланади. Чунки партия аъзоларини бошланғич ташкилот бирлаштиради. Кўпгина таклиф ва ташаббуслар ҳам, аввало, бошланғич ташкилотлар томонидан илгари сурилади. Партия ғояларининг тарғиботи, тарафдорларининг кўпайиши ҳам асосан бошланғич ташкилот фаолиятига боғлиқ.

Партияга қабул

жараёнида бошланғич ташкилотнинг ўрни

Шунингдек, партия сафини янги аъзолар билан тўлдириб, уни си-фат жиҳатдан мустаҳкамлашни қуйи бўғинсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айнисига, партияга қабул масаласи бошланғич ва ҳудудий партия таш-килотлари зиммасига катта масъ-улият юклайди. Партияга аъзо бўлиш истагини билдирганларни танлаш, қабул қилиш, уларнинг иж-тимоий-сиёсий фаолиятини ошириш бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Савол туғилади: партияга қабул-ни қандай ташкил этган маъқул? Тўғри, бу масала ҳар қайси сиёсий партиянинг низомида акс этган. Шунга кўра, ҳар бир сиёсий куч ўз аъзоларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Аммо бу ўринда сон кети-дан қувиб, сифатни унутиб қўймас-лик зарур. Сафимизга қабул қили-наётганлар барчаси қатъий фикрли, этиқоиди мустаҳкам, партия ғояла-рига содиқ фуқаролар бўлишига эътибор қаратишимиз керак. Иккин-чи муҳим масала — партияга аъзо бўлаётганлар ўз зиммасига қандай масъулиятни олаётганини биладими? Партияга аъзо бўлишдан мақсади нима? Бу каби саволлар билан ал-батта қизиқиб кўришимиз керак.

Етакчилик масаласида озми-кўпми тажрибага эгаман. Уч марта туман кенгаши депутатлигига сай-ланганман. Тажрибанинг бори яхши, албатта. Аммо бу мен ҳамма нарсани биламан, ўқишга, ўрганишга, би-лимимни бойитишга эҳтиёж йўқ, де-ган ҳулосани бермайди. Чунки ҳаёт муттасил ўзгаришда, янгиланишда. Шундай экан, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳам ҳар доим ўз билим ва малакасини оши-риб бориши, ўқиб-ўрганишдан, из-ланишдан тўхтамаслиги керак. Буни замон тақозо қилляпти. Сафимизга кирмоқчи бўлган одамларнинг партияимиз ҳақидаги фикри қандай бўлиши айнан бошланғич ташкилот етакчисига боғлиқдир.

Баҳор ЖУМАБОВЕВА,
Ғаллаорол туманидаги
Ғафур Ғуллом маҳалла фуқаролар
йиғини ҳудудий партия ташкилоти
етакчиси, туман кенгаши депутати.

www.xdp.uz
Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлаш-малари фаолияти ҳақида мазкур сайт-дан батафсил ахборот оласиз.



■ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНИЯТИДАН ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ПАРТИЯГИНА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИН БЎЛИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ҚҲҲИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯМИЗ ОЛДИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.



■ «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТҲУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА БИНОАН, ДЕПУТАТ ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ХАМДА ЎЗИ САЙЛАНГАН КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ҚАТНАШИШИ, ОВОЗ БЕРИШДА ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РЕГЛАМЕНТИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ШАХСАН ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Гўзаллик ва нафосат кўриги

■ Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan — 2015» халқаро турнири якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида ташкил этилган мусобақаларда дунёнинг йиғирмадан зиёд давлатидан юзга яқин гимнастикачи иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спорт изчил ривожланмоқда. Ёшлар ўртасида жисмоний тарбия, соғлом турмуш тарзи кенг қарор топмоқда. «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида қизлар спортга кенг жалб этилаётган. Бунинг учун барча шахару қишлоқларда зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Бундай эътибордан баҳра олиб улғайган ўғил-қизлар соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро танлов ва мусобақаларда ҳеч қимдан кам эмасликларини исботламоқда.

Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида ўтган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan» халқаро турнирида бу жиҳатлар яна бир бор намоён бўлди.

Уч кун давом этган мусобақаларда яққилиқлар ва гуруҳлар ўртасида кўпқураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари ўтказилди. Қизларнинг аргаччи, халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариш бўйича юксак маҳорати, мусика ва ритми яхши ҳис этиши, чаққон, нафис ва

енгил ҳаракатлари муҳлисларга завқ бағишлади.

— Ўзбекистонда бўлганимдан, бадий гимнастика бўйича жаҳон кубогида қатнашганимдан хурсандиман, — деди испаниялик гимнастикачи Наталия Гарсия. — Муҳташам спорт саройининг маҳобати ва муҳлисларнинг кўпчилиги мени ҳаяжонга солди. Мусобақа кескин ва муроасиз курашларга бой бўлди.

Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Сердюкова буладава машқ бажаришда бронза медал билан тақдирланди.

— Жаҳон кубоги босқичининг Тошкентда олтинчи марта ўтказилгани Ўзбекистонда бадий гимнастика ривожига қаратаётган эътибордан далолат беради, — деди Италия гимнастика федерацияси вакили Грация Чарлитто. — Иштирокчиларнинг нафақат ўз иқтидорини намоён этиши, балки маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шарт-шароит яратилди. Мамлакатингизга яна келиш, қадим ва замонавий шахарларингизни кўпроқ томоша қилиш, бағрикенг одамларингиз билан танишиш ниятидамыз.

— Жаҳон кубоги босқичини юқори даражада, халқаро талабларга мос равишда ташкил этгани учун ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман, — деди гимнастика бўйича Болгария терма жамоаси бош мураббийи Ина Ананиева. — Мамлакатингизда ёшлар қамолотида катта эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистон ёшларининг бу имкониятлардан унумли фойдаланаётгани диққатга сазовор.



Спортчи қизларингиз келгусида янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонаман. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, халқингизнинг бой ва ранг-баранг маданияти, санъатидан баҳраманд бўлганимиздан гоё хурсандимиз.

«Harry Caravan» халқаро турнирининг финал мусобақасида гимнастикчиларимиз муносиб иштирок этди. Сабина Тошкенбоева кўпқураш ва алоҳида предметлар — аргаччи, тўп ва булава билан машқ бажариш бўйича жами тўртта бронза медал билан тақдирланди. Халқа билан машқ бажарган Нуринос Усмонова ҳам учинчи ўринни эгаллади.

— Бундай нуфузли мусобақада иштирок этишнинг ўзи бир ютуқ, — дейди С.Тошкенбоева. — Унда совриндор бўлиш эса катта бахт. Бу муваффақиятим мамлакатимизда гимнастика билан шуғулланиш учун яратилган кенг имкониятлар ва мураббийларимнинг хизмати самарасидир. Келгуси мусобақаларда бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Тантанали маросим гимнастикачи қизлар иштирокидаги бадий дастурлар билан якунланди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
Жавоҳир ТОШЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбирлари.

Спортчи қизларингиз келгусида янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонаман.

СПОРТ

■ Футбол бўйича олий лига жамоалари ўнинчи тур учрашувларини ўтказди.

Ўнинчи турдан сўнг

мамлакат чемпионатида «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари пешқадамлик қилмоқда

Турнинг марказий учрашувларидан бири Фарғонада «Нефчи» — «Насаф» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда Артур Геворкян томонидан киритилган ягона гол қаршилик футболчиларга муҳим уч очкони тақдим этди — 0:1.

Яна бир қизиқарли ўйин Тошкентда «Локомотив» — «Қўқон-1912» жамоалари ўртасида кечди. Унда Темурхўжа Абдухолиқов киритган гол пойтахт темирйўлчиларига ғалаба келтирди — 1:0. Турнинг қолган баҳслари

рида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Шўртан» — «Бухоро» — 4:1; «Металлург» — «Андижон» — 5:1; «Машъал» — «Қизилқум» — 0:0; «Навбахор» — «Олмалик» — 2:2; «Бунёдкор» — «Динамо» — 1:0; «Сўғдиёна» — «Пахтакор» — 0:3. Ўнинчи турдан сўнг, ҳозирча мамлакат чемпионатида «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари бир хил — 22 тадан очко жамғариб, пешқадамлик қилмоқда. Учинчи ўринда бораётган «Локомотив» футболчилари ҳисобида эса 21 очко бор. Ўн олти жамоа орасида фақат «Бухоро» вакиллари бирорта ҳам ғалаба қозонмаган. Бухороликлар икки очко билан сўнгги ғалабада бормоқда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Фаровонлик омили

Мамлакатимизда иқтисодий соҳаларнинг барқарор ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фойдаланиш миллий банкининг ҳам муносиб хиссаси бор, албатта. Молия муассасаси томонидан йўналтирилаётган сармоялар, аввало, маҳаллий ишлаб чиқариш ривожлантиришга, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш аҳолига озиқ-овқат, хусусан, сўт ва сўт маҳсулотлари, гўшт етказиб бериш мақсадида чорвачиликни ривожлантириш катта аҳамият касб этиб, истеъмол бозорини тўлдирishга кенг имконият яратди. Бунга Тошкент вилоятидаги «Юқори Чирчиқ чорва инвест» МЧЖ фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

— Аҳолини сўт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2011 йилда «Юқори Чирчиқ чорва инвест» МЧЖни ташкил этдик, — дейди корхона раҳбари Фаррух Умиров.

— Фаолиятимизни ривожлантиришни қўлаб, 2012 йилда Миллий банкнинг Тошкент вилоят бўлимига бизнес-лойиҳа билан мурожаат қилдик.

Банкнинг 700 млн. сўм миқдоридagi кредит маблағига Польшадан 112 бош наслик қорамол олиб келинди. Натижада корхонамиз ҳар ойда 120 тонна гўшт ва 5000 тонна сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. 10 та янги иш ўрни яратилди.

«Био-Сут» МЧЖ билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва тузилган шартномаларга кўра, корхона маҳсулотлари ўз вақтида харидорларга сифатли етказиб берилиши таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Миллий банк сармоялари минглаб юртдошларимизга ўз бизнесини йўлга қўйишида, янги иш ўринлари яратилишида қўл келмоқда.

Миллий банк Матбуот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан бирга «Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорларида мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион лойиҳалар кўрик танлови»ни эълон қилади.

Танлов маҳаллий ва иккиламчи хом ашёларни қайта ишлаш ҳисобига янги турдаги экспорт-боп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги 5 та йўналишни ўз ичига олади:

1. «Озиқ-овқат саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа».
2. «Кимё саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа».
3. «Текстиль саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа».
4. «Қурилиш материаллари саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа».

5. «Машинасозлик ва электротехника саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа».

Танловда қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

- ❖ тадбиркорлар, фермерлар;
- ❖ илмий тадқиқот институтлари мутахассислари;
- ❖ олимлар;
- ❖ уюшган тадқиқотчилар жамоаси;
- ❖ олий ўқув юртлари ходимлари.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 3 та ўрин жорий қилинган бўлиб, ғолиблар махсус диплом ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари

ҳисобидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Танловда иштирок этиш ва баҳолаш тартиби, мезонлар ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатлар таркиби юзасидан танловни ўтказиш бўйича ишчи штаби ҳисобланган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасига қуйида кўрсатилган телефон рақамлари орқали мурожаат қилиш ёки www.nbu-export.uz сайти орқали маълумот олиш мумкин.

Ҳужжатлар 2015 йилнинг 1 июнь — 31 июль кунлари оралиғида ишчи штабга тақдим этилиши лозим (кечиктириб тақдим этилган лойиҳалар танловга қўйилмайди).



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
Тошкент шаҳри,
Амир Темури кўчаси 4.
Тел.: (0-371) 150-60-09, 239-19-56.
Факс: (0-371) 232-09-03
E-mail: region@chamber.uz
web-site: www.chamber.uz



EPF
Тошкент шаҳри,
Фахур Фулом кўчаси 1.
Тел.: (0-371) 244-66-35, 244-35-28.
Факс: (0-371) 244-35-28
E-mail: info@nbu-export.uz
web-site: www.nbu-export.uz

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ
Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz **МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17968
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.20
Topshirilgan vaqti — 22.30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 4 5 6